

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақами имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)*)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (*6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради*).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзib олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзib олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзib олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.